O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY ... INV.№


# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2004 йил 14 сентябрь № 193 (3468) Сешанба


## *Ўзбекистон — Чехия:*

# ҲАМКОРЛИКНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙЎЛИДА

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таклифига биноан Чехия Республикаси Президенти Вацлав Клаус 12 сентябрь куни расмий ташриф билан Ўзбекистонга келди.***

Чехия Республикаси Шарқий Европа мамлакатлари орасида биринчилардан бўлиб кенг кўламли сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга оширган, иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари бўйича ўз минтақасида етакчи ўрин эгаллаб турган давлатдир.

Ўзбекистоннинг ушбу мамлакат билан муносабатлари дўстлик ва ҳамкорлик, ўзаро ишонч ва ҳурмат тамойилларига асосланади. Мамлакатларимиз икки томонлама муносабатларни ривожлантиришдан бирдек манфаатдор, ҳамкорликни кенгайтириш борасида мунтазам мулоқот йўлга қўйилган. Халқаро муаммоларга нисбатан қарашларимиз ҳам муштарак.

Президент Вацлав Клауснинг ташрифи — Чехия давлат раҳбарининг Ўзбекистонга илк расмий ташрифи.

13 сентябрь куни Дўрмон қароргоҳида расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ислом Каримов ва Вацлав Клаус шоҳсупага кўтарилдилар. Икки мамлакатнинг давлат мадҳиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Яккама-якка суҳбат чоғида Президентлар ўзаро муносабатларнинг бугунги аҳволини таҳлил этиб, истиқболларини муҳокама қилдилар, томонларни қизиқтирган халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашдилар. Ушбу ташриф икки томонлама алоқалар тарихидаги муҳим воқеа эканлиги қайд этилди. Олий даражадаги Ўзбекистон — Чехия мулоқоти ўзаро ҳамкорликни янги босқичга кўтариши таъкидланди.

Президент Ислом Каримов қайд этганидек, Ўзбекистон учун Чехия билан сиёсий мулоқот, иқтисодий ҳамкорлик ва бошқа соҳалардаги алоқалар муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Чехияни ишончли шерик деб билади ва унинг минтақамиздаги сиёсий ва иқтисодий манфаатларини рўёбга чиқариш учун бу давлатни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди.

Чехия ҳам Ўзбекистонни Марказий Осиёдаги ўзининг ишончли ҳамкори ҳисоблайди. Ўзбекистон Президентининг Марказий Осиё умумий бозорини барпо этиш ташаббусини қўллаб-қувватлайди. Чехия Ўзбекистоннинг минтақада интеграцияни ривожлантириш, хавфсизликни таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатларини юқори баҳолайди.

Мамлакатларимиз Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг фаолиятига, террорчилик ва диний экстремизмга, ноқонуний муҳожирлик ва қурол-яроғ савдосига, уюшган жиноятчилик ва наркобизнесга қарши курашда ҳамкорликни янада кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор беради.

Президентларнинг мулоқоти икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган тартибдаги музокарасида давом этди. Музокарада савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш ва ижтимоий соҳадаги алоқаларни фаоллаштиришга оид масалалар асосий ўрин эгаллади.

2004 йилнинг 1 майидан — Чехия Европа Иттифоқига қўшилганидан кейин 1993 йилда имзоланган савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро битим ўз кучини йўқотди. Шу муносабат билан томонлар иқтисодиёт, саноат ва илмий-техникавий соҳаларда ҳамкорлик бўйича янги битимни ишлаб чиқди ва у 2004 йил 28 июнь куни имзоланди. Бу ҳужжатга мувофиқ икки мамлакат ўртасида энг кўп қулайлик яратиш тартиби жорий қилинган.

Иқтисодий муносабатларимиз Президент Ислом Каримовнинг 1997 йилнинг январида Чехияга расмий ташрифи чоғида имзоланган сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш, ташқи иқтисодий фаолиятни бошқарувчи муассасалар ва миллий банкларнинг ҳамкорлиги тўғрисидаги қатор муҳим ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Мамлакатимизда чехиялик ишбилармонлар сармояси иштирокида тузилган 30 корхона мавжуд. Улар халқ истеъмоли моллари, озиқ-овқат маҳсулотлари, қурилиш материаллари, дори-дармон ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳаларида фаолият кўрсатмоқда. Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида Чехиянинг "Эриэлл Корпорэшн", "Марц ЦЗ", "Томас Прага", "ЧКД Нове Энерго", "Айвэкс-ЧР", "Ясон Трэвел", "Янцен" каби компаниялари рўйхатдан ўтган.

Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Чехиянинг "Чешка Спорителна", "Инвестични а постовни банк", "Комерчни банк", "Чек экспорт банк" каби банклари билан алоқа ўрнатган. "Асака" банк "Обходни банк" билан ҳамкорлик қилмоқда.

Ўзбекистон ва Чехия савдо-саноат палаталари ўртасидаги ҳамкорлик ишбилармонлар кенгроқ фаолият кўрсатишига хизмат қилмоқда.

Булардан ташқари сайёҳлик, суғурта, фармацевтика, нефть-газ, кимё саноати корхоналари яқиндан ҳамкорлик қиляпти. Ўзбекистонга Чехиянинг трамвай ва троллейбуслари келтирилмоқда. "В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси" давлат акциядорлик жамияти билан Чехия мудофаа вазирлиги ўртасида ҳарбий-транспорт самолётларини етказиб бериш борасида музокара олиб борилмоқда. Айни пайтда Ўзбекистон — Чехия ҳамкорлигида 16 лойиҳа ишлаб чиқилмоқда.

Ҳамкорлик кўлами кенг. Лекин музокараларда мустаҳкам ҳуқуқий асос мавжудлигига қарамай, ўзаро савдо ҳажми томонларни қониқтирадиган даражада эмаслиги таъкидланди. Бу борадаги кўрсаткич ўтган йили 39,4 миллион, жорий йилнинг январь-июнь ойларида эса 16 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Ўзбекистон Чехияга асосан пахта толаси, матолар, айрим рангли металларни сотади, Чехиядан эса ускуналар, резина буюмлар ва дори-дармон олади. Ишбилармонлар янада фаолроқ ишласа, ҳамкорликни кучайтирса, бу рўйхатни анча кенгайтириш мумкин бўлур эди.

Бунинг учун имкониятлар мавжуд.

Бинобарин, Ўзбекистонда Чехия маҳсулотларига, Чехияда Ўзбекистон маҳсулотларига талаб ва эҳтиёж бор. Икки мамлакат иқтисодиётида бир-бирига тўғри келмайдиган тармоқлар деярли йўқ, аксинча, кўпгина соҳаларда улар бир-бирини тўлдира олади.

Президент Ислом Каримовнинг таъкидлашича, Ўзбекистон ва Чехия ишбилармонларини бир-бирига таништиришнинг ҳожати йўқ. Мамлакатимизда "Татра", "Шкода" каби компанияларни яхши танишади. Икки томонлама манфаатли соҳаларда ҳамкорликни кучайтириш учун янада кенгроқ қулайлик яратиш керак. Ўзбекистон бу йўналишда ҳам ҳамкорликка тайёр.

Айниқса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, тўқимачилик ва озиқ-овқат саноатидаги ҳамкорлик истиқболли. Лекин ишга солинмаган имкониятлар ҳам кўп. Масалан, Чехия Ўзбекистон пахтасини учинчи давлат орқали сотиб олади. Мевалар ва полиз экинларини қайта ишлаш борасидаги алоқалар ҳам талаб даражасида эмас.

Таъкидлаш жоизки, савдо-иқтисодий муносабатлар хусусида икки томон ҳамфикр. Президент Вацлав Клаус Чехия ишбилармонларининг катта делегацияси билан келганининг боиси ҳам шунда.

Ижтимоий-маданий ҳамкорлик доирасида Ўзбекистоннинг ёш истеъдодлари 1994 йилдан буён Чехиянинг Лидица шаҳрида ўтадиган анъанавий Жаҳон болалар ижодиёти кўргазмасида қатнашиб келади. Чехия ҳукумати ўзбекистонлик талаба ва тадқиқотчилар учун ҳар йили грантлар ажратмоқда. Фанлар академиялари, Қишлоқ ва сув хўжалиги, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш вазирликларининг илмий муассасалари ўртасида материалшунослик, тиббиёт, микроэлектроника, ядро физикаси, машинасозлик, фармакология каби соҳаларда яқин ҳамкорлик қарор топган.

Мулоқот чоғида бу йўналишлардаги ҳамкорликни ҳам янада кенгайтиришга келишиб олинди.

Музокара якунида Ислом Каримов ва Вацлав Клаус Ўзбекистон ва Чехия Президентларининг қўшма баёнотига имзо чекдилар.

Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан "Чехословенска обходни банка А.С." ўртасида кредит битими имзоланди.

Журналистлар билан учрашувда Ислом Каримов ва Вацлав Клаус музокара натижалари ҳақида сўзлаб, мулоқот ўзаро ишонч руҳида ўтганини таъкидладилар. Муҳокама этилган барча масалалар бўйича фикрлар бир жойдан чиққани қайд этилди. Музокаралар, имзоланган ҳужжатлар ўз самарасини беришига, яъни ўзаро ҳамкорлик барча соҳаларда янги поғонага кўтарилишига ишонч билдирилди.

Чехия Президенти Вацлав Клаус Ўзбекистон Бош вазири Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида "Интерконтинентал" меҳмонхонасига ташриф буюрди. Олий мартабали меҳмон икки мамлакат ишбилармонларининг анжуманида нутқ сўзлаб, уларни ҳамкорликни янада кенгайтиришга чақирди.

Вацлав Клаус Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг талабалари, профессор ва ўқитувчилари билан учрашди. Меҳмон фан-таълим соҳасидаги ҳамкорлик умумий ҳамкорликда муҳим аҳамият касб этишини қайд этди.

Чехия Президентига Миллий университетнинг Фахрий доктори унвони берилди.

Олий мартабали меҳмон Хотира ва Қадрлаш майдонидаги "Мотамсаро она" ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

Олий мартабали меҳмон Ўзбекистон тарихи давлат музейини зиёрат қилди. Узоқ ўтмишимизга, маданий-маънавий меросимиз ниҳоятда бой ва қадимий эканига алоҳида эътибор қаратди. Яқин тарихимиз — мустақилликнинг қўлга киритилиши, истиқлол йилларида амалга оширилган ўзгаришлар билан танишар экан, мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий ва демократик ислоҳотларга юксак баҳо берди.

Чехия Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасига расмий ташрифи давом этмоқда.

**Анвар БОБОЕВ**
**ЎзА мухбири.**



**СУРАТДА: учрашув пайти.**
**Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган сурат.**

# «БОЛАЛАР МАҲАЛЛАСИ» БИЛАН ТАНИШУВ

Расмий ташриф билан мамлакатимизга келган Чехия Президентининг рафиқаси Ливия Клаусова 13 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг рафиқаси Татьяна Каримова ҳамроҳлигида пойтахтимиздаги "SOS-Болалар маҳалласи"га борди.

2000 йили Тошкент шаҳрида ўн тўртта оилавий уйдан иборат биринчи "SOS-Болалар маҳалласи" ўз фаолиятини бошлади. Мазкур кичкинтойлар маҳалласи давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан бунёд этилди.

"Болалар маҳалласи"даги хонадонлар ҳаёти билан танишар экан, чехиялик меҳмон болаларнинг яшаши ва таълим-тарбия олиши учун барча шароит муҳайё этилганини таъкидлади.

Мамлакатимизда фарзандларимизнинг соғлом ва баркамол инсон бўлиб вояга етишини таъминлаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилгани алоҳида қайд этилди. Болалар учун жаҳон андозалари даражасидаги спорт-соғломлаштириш масканлари, таълим-тарбия муассасалари бунёд этилмоқда.

"Болалар маҳалласи"да уч ёшдан ўн олти ёшгача бўлган 90 нафардан зиёд ўғил-қиз тарбияланади. Бундай маҳалланинг афзаллиги шуки, бола оилавий муҳитда, ака-ука, опа-сингиллари қуршовида ўсади.

Учрашувда болалар ижросида театрлаштирилган мусиқий дастур намойиш этилди.

**(ЎзА).**

Шахмат

## РУСТАМ ЯНА ҒОЛИБ!

Икки ой муқаддам Ливия пойтахти Триполи шаҳрида жаҳон шахмат тожини кийган ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов халқаро турнирларда зафарли одимларини давом эттирмоқда.

Жумладан, у Ҳиндистоннинг Пуна шаҳрида ташкил этилган шахмат бўйича "Пуна Интернэйшнл" супертурнирида муваффақиятли қатнашди.

Дунёнинг энг кучли ўн гроссмейстери иштирок этган турнирда тўққиз имкониятдан олти очко жамғарган Р.Қосимжонов руминиялик Ливюдитер Нисепяну билан бирга биринчи ўринни эгаллади.

*Айни пайтда Р.Қосимжонов жорий йилнинг октябрь ойида Испанияда ташкил этиладиган жаҳон шахмат олимпиадасига жиддий тайёргарлик кўрмоқда.*

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

# САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Президент Жаноблари,

Ўзбекистон Республикаси Миллий байрамининг нишонланиши менга Жазоир халқи ва ҳукумати номидан ҳамда шахсан ўз номимдан Сизга қизғин табрикларимни ва дўст ўзбек халқига тараққиёт ва фаровонлик тилаб билдирган истакларимни изҳор қилиш учун қулай имконият бахш этмоқда.

Ушбу имкониятдан фойдаланиб, Сизга мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар давлатларимизнинг ўзига хос имкониятларининг катталигидан келиб чиқиб ва халқларимизни боғлаб турган биродарликни ҳисобга олиб, янада ривож топишига қатъий ишонишимни айтмоқчиман.

Президент Жаноблари, Сизни яна бир бор байрам билан қизғин табриклаб, Сизга бўлган юксак ва биродарларча эҳтиромимни қабул этишингизни сўрайман.

**АБДУЛАЗИЗ БУТЕФЛИКА,**
**Жазоир Халқ Демократик Республикаси Президенти.**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Миллий байрамингиз муносабати билан Корея Республикаси ҳукумати ва халқи номидан Сизга ва Ўзбекистон Республикасининг бутун халқига самимий қутловларимни изҳор қилиш менга катта мамнуният бахш этади.

Корея Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги дўстона муносабатлар ва ҳамкорлик олға томон сезиларли даражада ривожланганини мамнуният билан қайд этган ҳолда, ушбу муносабатлар бундан буён ҳам узоқ йиллар давомида икки мамлакат манфаатлари йўлида тобора мустаҳкамланиб бораверади, деб ишонч билдираман.

Жаноби Олийлари, Сизга мустаҳкам соғлиқ ва муваффақиятлар, буюк мамлакатингизга эса равнақ тилаб билдирган энг эзгу истакларимни лутфан қабул қилгайсиз.

**НО МУ-ХЁН,**
**Корея Республикаси Президенти.**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Мамлакатингизнинг Мустақиллик куни муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига ва Ўзбекистон Республикаси халқига Баҳрайн халқи ва шахсан ўз номимдан самимий табриклар ва эзгу истаклар йўллашдан бағоят бахтиёрман.

Ушбу фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, мамлакатингиз халқига тараққиёт ва равнақ тилаб қоламан.

Юксак эҳтиром ила,

**ҲАМАД БИН ИСО АЛ-ХАЛИФА,**
**Баҳрайн Подшоҳи.**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни муносабати билан йўллаётган самимий қутловларимни қабул қилгайсиз.

Ярославлликлар мамлакатларимиз халқлари ўртасидаги муносабатларда ижобий ўзгаришлар рўй бераётганини катта қизиқиш билан қабул қилмоқдалар, Ярославль вилоятининг Ўзбекистон минтақалари билан ҳамкорлик анъаналарини қадрламоқдалар.

Сизга ва Сиз орқали Ўзбекистон халқига чин дилдан тинчлик, эзгулик ва равнақ тилайман.

**АНАТОЛИЙ ЛИСИЦИН,**
**Ярославль вилояти губернатори.**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистоннинг Миллий байрами муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига самимий табрикларим ва эзгу тилакларимни йўллайман. Сизга бахт-саодат ва Ўзбекистон халқига равнақ тилайман.

**ОЛАВУР РАГНАР ГРИМССОН,**
**Исландия Президенти.**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Мамлакатингизнинг Миллий байрами муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига ҳамда ўзбек халқига Мали халқи ва шахсан ўз номимдан энг самимий ва илиқ табрикларни йўллаш менга катта мамнуният бахш этади.

Ушбу ажойиб фурсатдан фойдаланиб, мен мамлакатларимиз ўртасидаги мавжуд дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга тайёр эканлигимни таъкидлаб ўтмоқчиман.

Сиз, Жаноби Олийларига ва Ўзбекистон Республикаси халқига бахт-саодат ва фаровонлик тилайман.

Ҳурмат ва эҳтиром ила,

**АМАДУ ТУМАНИ ТУРЕ,**
**Мали Республикаси Президенти.**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ўзбекистон Республикасининг Миллий байрами нишонланиши менга Сиз, Жаноби Олийлари орқали ўзбек халқига равнақ ва фаровонлик тилаб билдирган энг эзгу истакларимни йўллаш имконини беради.

**АЛЬБЕРТ ИККИНЧИ,**
**Бельгияликлар Қироли.**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Мустақиллик куни байрам қилиниши муносабати билан Ямайка ҳукумати ва халқи Ўзбекистон ҳукумати ва халқига самимий қутловлар йўллайди.

Мамлакатингизнинг барқарор ўсиши ва равнақ топишини таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатларингизда Сизга кўпдан-кўп муваффақиятлар тилаймиз.

**ПЕРСИВАЛЬ ЖЕЙМС ПАТТЕРСОН,**
**Ямайка Бош вазири.**

*Ўзбекистон универсиадаси:*

# НАМАНГАНДАН САМАРҚАНДГАЧА

## *Таққос ва таҳлил*

***Куни кеча ер юзининг сайқали деб ном олган қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқандда Ўзбекистон талаба ёшларининг учинчи универсиадаси ўз ниҳоясига етди. Мен бир журналист сифатида ана шу мусобақаларнинг ҳар уччаласида ҳам бевосита иштирок этдим.***

***Бирор анжуманда қатнашаётган ва уни ёритаётган оммавий ахборот воситаси ходимининг фаолияти нақадар самарали кечиши ижодкорнинг мазкур жараённи қай даражада синчковлик билан кузата олиши, бир қарашда оддий кўринган камчилик ва ютуқларнинг эртанги сабаб-оқибатлари ҳақида жамоатчиликни мулоҳаза юритишга ундовчи хулосалар чиқара билишига кўп томонлама боғлиқ.***

***Ўтган тўрт йил мобайнида ён дафтарчадан ўрин олган ва бугун сизнинг эътиборингизга ҳавола этилаётган таққос ҳамда таҳлилларимизни ана шундай кузатувларнинг маҳсули, деб қабул қиласиз.***

Мамлакатимизда Президент Ислом Каримов ташаббуси билан Кадрлар тайёрлаш миллий моделига асосан ишлаб чиқилган "Ёшларни оммавий спортга жалб этишнинг уч босқичли узлуксиз тизими" 2000 йилдан бошлаб амалга жорий этилмоқда. Энг аввало шуни таъкидлаш жоизки, ана шу вақт мобайнида ўтган мусобақаларнинг савияси тобора ортиб бормоқда. Бу нарса нафақат спорт ўйинлари иштирокчиларининг сон-миқдор жиҳатдан кўпайганида, балки сифат кўрсаткичларининг яхшиланиб бораётгани мисолида ҳам яққол кўзга ташланмоқда. Буни қуйидаги ҳолатларда янада аниқ кузатиш мумкин.

Илк бор Наманганда ўтказилган "Универсиада-2000" мусобақаларининг финал босқичида спортнинг 9 тури бўйича 1712 нафар талаба иштирок этган бўлса, Бухорода бўлиб ўтган беллашувларда спорт турлари 12 тага етди. Жаҳон андозалари даражасида бунёд этилган ва қайта таъмирланган замонавий спорт мажмуаларида 2320 нафар талаба ғалаба иштиёқида майдонга чиқди. "Универсиада-2004" спорт ўйинларида эса Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан 3258 нафар талаба спортнинг 14 тури бўйича ўзаро баҳс олиб борди.

Дастлабки универсиадада Тошкент шаҳрида тайёргарлик кўрган талаба-спортчилар вилоятлардан келган тенгдошларини катта устунлик билан мағлубиятга учратган бўлсалар, Самарқандда ўтган беллашувларда бундай ҳолат деярли кўзга ташланмади. Бу эса умумий ўрта, ўрта махсус, олий таълим муассасалари ўқувчи ва талаба ёшларини қамраб олувчи узлуксиз спорт тизимининг барча вилоятларда изчил жорий этилгани ўз самарасини бера бошлаганидан далолатдир.

Айниқса, "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод", "Универсиада" спорт ўйинларининг финал босқичи бўлиб ўтган Наманган, Жиззах, Бухоро, Хоразм ва Андижон вилоятларининг вакиллари бунёд этилган янги иншоотларда бўлажак мусобақаларга астойдил тайёргарлик кўргани улар қўлга киритаётган натижаларда яққол кўриниб турибди.

Мазкур тизим ҳаётга жорий этила бошлагандан кейин жойлардаги маҳаллий талаба қизларнинг жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига бўлган қизиқиши ортиб бораётганини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Мисол учун, Бухорода ўтказилган мусобақаларда 983 нафар талаба-қиз иштирок этган бўлса, Самарқандда уларнинг сони 1100 нафардан ошди. "Универсиада-2000" спорт ўйинларида волейбол бўйича Сирдарё вилоятидан қизлар жамоаси умуман қатнашмаган бўлса, Самарқандга ушбу вилоят вакиллари ўз маҳоратини намойиш эта олган жамоа билан ташриф буюрди.

Инсоннинг жисмоний жиҳатдан соғлом ва баркамол вояга етишида муҳим аҳамият касб этадиган, аммо маълум сабабларга кўра мамлакатимизда ом-



мавий равишда ривожланмаган сузиш, енгил атлетика сингари спорт турларига бўлган қизиқиш мазкур мусобақалар таъсирида йилдан-йилга ортаётганини ижобий ўсиш сифатида келтириш мумкин. Масалан, Бухорода ўтказилган баҳсларда сузиш бўйича 86 нафар талаба иштирок этган бўлса, Самарқандда уларнинг сафи юздан зиёд бўлди. Енгил атлетика беллашувларида қатнашаётган спортчи-талабалар ҳам ўн нафарга кўпайди.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, аввал ўтказилган универсиадаларда фақат яккакураш турлари кескин беллашувлар остида ўтган бўлса, эндиликда волейбол, баскетбол, қўл тўпи, футбол каби жамоавий ўйинлар савияси ва унда қатнашаётган талабаларнинг маҳорати тубдан ўзгарди. Мусобақаларда иштирок этаётган йигит-қизларнинг тактик-техник имкониятлари юқорилаётганини беллашувларни бошқараётган тажрибали ҳакамлар ҳам эътироф этишмоқда.

Ана шундай ижобий ўзгаришнинг сабабини, назаримда, бу йилги қатнашчиларнинг аксарияти олий таълим муассасаларига ўқишга киргунга қадар умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда маълум бир спорт тури билан мунтазам шуғуллана бошлагани, "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ўйинларида иштирок этганидан излаш ўринли бўлади.

Уч босқичли тизим мусобақалари баҳонасида жойларда янги қурилаётган ва қайта таъмирланаётган спорт иншоотларининг сифати, ўлчам-кўрсаткичлари замон талабларига мослаштирилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, талабаларга юқори натижа кўрсатиш имконини бераётир. Мисол учун, Бухорода сузиш баҳслари кичик (25 метр) сув ҳавзасида ўтказилган бўлса, Самарқандда бунёд этилган янги бассейн жаҳон андозаларига мос равишда 50 метрни ташкил этади. Шунингдек, эндиликда енгил атлетика мусобақалари ҳам ҳар қандай нуфуздаги халқаро баҳсларни ўтказиш мумкин бўлган энг замонавий қопламалар билан жиҳозланган стадионларда ташкиллаштирилмоқда.

Мусобақаларни, айниқса, навқирон авлод вакиллари ўртасида ўтказиладиган баҳсларни адолатли бошқариш катта аҳамият касб этиши ҳеч кимга сир эмас. Ана шуни ҳисобга олиб ўтган давр мобайнида Ватанимизда мазкур ўйинларнинг барча босқичларини Олимпия қонун-қоидалари асосида баҳолаб борувчи малакали ҳакамлар мактаби яратилди.

Шу ўринда бу мусобақаларнинг яна бир ўзига хос тарбиявий аҳамияти ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш зарур, деб ўйлайман. 2000 йили Наманганда бўлиб ўтган финал баҳсларида спортчи-ёшлар вилоятига қараб алоҳида-алоҳида ётоқхоналарга жойлаштирилган бўлса, кейинги пайтда бу борада спорт турларига қараб тақсимлаш тамойили қўлланилмоқда. Бу эса мамлакатимизнинг турли минтақаларидан келган ёшларнинг яқин дўст тутинишига, алоқаларини кейинчалик ҳам давом эттиришларига, пировардида шу эл, шу юрт иқболи-истиқболи учун бир мушт бўлиб бирлашишга замин яратаяпти. Бошқача айтганда, ушбу спорт анжуманлари аҳиллик, дўстлик, биродарлик уруғини сочмоқда.

Яна бир жиҳати, спорт ўйинларининг тантанали очилиш ва ёпилиш маросимлари орқали ўсиб келаётган ёшларда юксак ватанпарварлик, фидойилик туйғуларини тарбияловчи, уларни битта Ватан, ягона халқ шиори остида бирлашишга даъват этувчи ғоявий-бадиий йўналиш шакллантирилди.

Юз бераётган ҳар қандай жараён, воқеа ва янгиликларни жамоатчиликка ўз вақтида етказишда оммавий ахборот воситаларининг тутган ўрни бўлакча. Масалага ана шу нуқтаи назардан ёндашадиган бўлсак, уч босқичли спорт ўйинларини матбуот, радио ва телевидениеда кенг ёритиб борувчи ихтисослашган журналистлар, шунингдек, уни халқаро Интернет тизими орқали бутун дунёга тарғиб этиш мақсадида ўзбек, рус ва инглиз тилларида веб-сайтлар яратувчи ижодий-техник гуруҳлар муваффақиятли иш олиб бораётганини, энг муҳими, мамлакатимизда ташкил этилаётган ёшларнинг ўзига хос спорт байрамига яқин ва узоқ хорижда қизиқиш тобора кучаётганини мамнуният билан таъкидлаш керак.

Бугунги кунда спорт ҳар қайси давлат ва мамлакатнинг куч-қудратини, салоҳиятини намойиш этадиган, халқни бирлаштирадиган, унинг руҳини кўтарадиган кучли ва таъсирчан омилга айланиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Шу нуқтаи назардан қараганда, Ўзбекистон ёшларининг "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва "Универсиада" мусобақалари юртимизда спортни ривожлантириш ва оммалаштиришда давлатимиз раҳбариятининг узоқ ва давомли мақсадларидан бири эканлигини яна бир бор кўрсатиб турибди.

Хулоса ўрнида, жорий этилган уч босқичли узлуксиз тизим замирида барча ҳудудларимиздаги спорт иншоотларини замон талаблари асосида қайта ташкил этиш, янгиларини қуриш, баркамол авлодни тарбиялаш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, Олимпия ҳаракатини тобора кучайтириш истаги мужассам, десак айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

**Озод РАЖАБОВ,**
**журналист.**


*Лойиҳалаш ташкилотлари диққатига!*

**САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ**

**2005 йилда қурилиши ва қайта таъмирланиши режалаштирилган касб-ҳунар коллежлари ва умумтаълим мактабларининг лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ишлари учун**

*танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади.*



*Буюртмачи — Самарқанд вилояти ҳокимлиги инжиниринг компанияси.*
*Манзили: Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, 2-б корпус, 4-қават.*

**Лойиҳа ишларини молиялаштириш 2004 йилги манзилгоҳлар рўйхатига асосан ажратилган давлат бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.**

**Касб-ҳунар коллежлари лойиҳаси бўйича:**

1) Самарқанд шаҳридаги 600 ўқувчи ўринли, 120 ўринли ётоқхонаси билан маиший соҳа (санъат) коллежи қурилишига;
2) Окдарё туманидаги Окдарё бизнес мактабини 600 ўқувчи ўринли, 100 ўринли ётоқхонаси билан (ЖКХ) коммунал хўжалиги коллежига қайта таъмирлашга;
3) Самарқанд шаҳридаги 600 ўқувчи ўринли, 200 ўринли ётоқхонаси билан АПК (қайта ишлаш) коллежи қурилишига;
4) Самарқанд шаҳридаги озиқ-овқат техникумини 1200 ўқувчи ўринли, 100 ўринли ётоқхонаси билан саноат (озиқ-овқат) коллежи қурилишига;
5) Иштихон туманидаги Метан қўрғонида 600 ўқувчи ўринли, 100 ўринли ётоқхонаси билан саноат (озиқ-овқат) коллежи қурилишига;
6) Каттақўрғон шаҳридаги 17-сонли мактабни 600 ўқувчи ўринли, 100 ўринли ётоқхонаси билан маиший соҳа (педагогика) коллежига қайта таъмирлашга;
7) Самарқанд шаҳрида 750 ўқувчи ўринли, 100 ўринли ётоқхонаси билан саноат (машинасозлик) коллежи қурилишига;
8) Нарпай туманининг Бобур номли ширкат хўжалиги ҳудудида 900 ўқувчи ўринли АПК (фермер ва деҳқон хўжаликлари) коллежи қурилишига;
9) Пастдарғом туманининг Жума шаҳрида 600 ўқувчи ўринли, 100 ўринли ётоқхонаси билан тиббиёт коллежи қурилишига;
10) Пастдарғом туманининг Чортут қишлоғида 600 ўқувчи ўринли маиший хизмат коллежи қурилишига;
11) Самарқанд туманининг «Ўзбекистон» ширкат хўжалигида 900 ўқувчи ўринли АПК (қайта ишлаш) коллежи қурилишига;
12) Самарқанд шаҳридаги 750 ўқувчи ўринли, 100 ўринли ётоқхонаси билан иқтисодиёт (ўрта ва кичик бизнес) коллежи қурилишига;
13) Тайлоқ туманининг Тайлоқ қўрғонида 600 ўқувчи ўринли, 100 ўринли ётоқхонаси билан маиший соҳа (педагогика) коллежи қурилишига;
14) Ургут туманининг Жартепа қишлоғида 600 ўқувчи ўринли, 100 ўринли ётоқхонаси билан маиший хизмат коллежи қурилишига;
15) Каттақўрғон туманининг Абулқосим қишлоғида 600 ўқувчи ўринли АПК (қишлоқ хўжалиги) коллежи қурилишига.

**Мактаблар лойиҳаси бўйича:**

1) ЛОТ-1. Самарқанд шаҳрида 1 та капитал реконструкция қилинадиган, 1 та капитал таъмирланадиган мактаблар;
2) ЛОТ-2. Каттақўрғон шаҳрида 1 та капитал реконструкция қилинадиган, 1 та капитал таъмирланадиган мактаблар;
3) ЛОТ-3. Булунғур туманида 1 та капитал реконструкция қилинадиган, 2 та капитал таъмирланадиган мактаблар;
4) ЛОТ-4. Жомбой туманида 1 та капитал реконструкция қилинадиган, 1 та капитал таъмирланадиган мактаблар;
5) ЛОТ-5. Иштихон туманида 1 та янги қуриладиган, 2 та капитал реконструкция қилинадиган ва 2 та капитал таъмирланадиган мактаблар;
6) ЛОТ-6. Каттақўрғон туманида 2 та капитал реконструкция қилинадиган, 3 та капитал таъмирланадиган мактаблар;
7) ЛОТ-7. Қўшрабод туманида 1 та янги қуриладиган, 2 та капитал реконструкция қилинадиган ва 2 та капитал таъмирланадиган мактаблар;
8) ЛОТ-8. Нарпай туманида 1 та капитал реконструкция қилинадиган, 2 та капитал таъмирланадиган мактаблар;
9) ЛОТ-9. Нуробод туманида 1 та янги қуриладиган, 2 та капитал реконструкция қилинадиган ва 2 та капитал таъмирланадиган мактаблар;
10) ЛОТ-10. Оқдарё туманида 1 та капитал реконструкция қилинадиган, 1 та капитал таъмирланадиган мактаблар;
11) ЛОТ-11. Пайариқ туманида 1 та янги қуриладиган, 2 та капитал реконструкция қилинадиган ва 3 та капитал таъмирланадиган мактаблар;
12) ЛОТ-12. Пастдарғом туманида 1 та янги қуриладиган, 3 та капитал реконструкция қилинадиган ва 3 та капитал таъмирланадиган мактаблар;
13) ЛОТ-13. Пахтачи туманида 1 та капитал реконструкция қилинадиган, 1 та капитал таъмирланадиган мактаблар;
14) ЛОТ-14. Самарқанд туманида 2 та капитал реконструкция қилинадиган, 2 та капитал таъмирланадиган мактаблар;
15) ЛОТ-15. Тайлоқ туманида 2 та капитал реконструкция қилинадиган, 3 та капитал таъмирланадиган мактаблар;
16) ЛОТ-16. Ургут туманида 1 та янги қуриладиган, 4 та капитал реконструкция қилинадиган ва 4 та капитал таъмирланадиган мактаблар.

***Талабгор сифатида иштирок этаётган лойиҳалаш ташкилотлари қуйидаги талабларга мос келишлари керак: лойиҳалаш ҳуқуқини берувчи рухсатнома (лицензия), ишлаб чиқариш базалари, лойиҳа ишларини бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларни лойиҳалаштирганлиги ҳақидаги маълумотларга, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.***

**Танлов савдолари Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, 2-б корпус, 4-қаватда ўтказилади.**



**Тошкент вилояти ўрта-махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси тасарруфидаги 23-сонли касб-ҳунар мактаби тугатилади. Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой давомида қуйидаги манзилда қабул қилинади:**
***Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, «Фарғона йўли» кўчаси, 25-уй.***
***Телефонлар: 191-50-00, 191-69-50.***



**ДАВЛАТ ТЕСТ МАРКАЗИГА**

**дипломларини нострификациялаш учун топширган фуқаролар диққатига!**

**Давлат тест марказида (Тошкент шаҳри, Ж.Обидова кўчаси, 12-уй) эксперт комиссияларининг йиғилиши ва имтиҳонлар 2004 йил октябрь ойининг қуйидаги кунларида ўтказилади (қатнашчиларни рўйхатга олиш Давлат тест маркази биносида соат 8.30дан 9.00гача).**



| Т/р | Таълим йўналишлари | Ўтказиладиган вақти |
|---|---|---|
| 1. | Педагогика | 6 октябрь, соат 9.00 |
| 2. | Тиббиёт | 8 октябрь, соат 9.00 |
| 3. | Муҳандислик | 13 октябрь, соат 9.00 |
| 4. | Иқтисодиёт | 15 октябрь, соат 9.00 |

**Маълумот учун телефон: 134-46-83.**

**Давлат тест маркази.**



**O'ZSANOATQURILIShBANK**

**Кўпларни танишади – муносибларни танлашади !**

*ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН*



**Аспирантура орқали олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш билан шуғулланувчи Фанлар академияси, вазирлик ва идоралар, илмий муассаса, олий ўқув юрти ва ташкилотлар раҳбарлари ҳамда аспирантлар диққатига !**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ**

**ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР МАРКАЗИ**

***Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йилги давлат стипендияларига 3-ўқув йили аспирантлари орасида***

*танлов ўтказади.*



**Танлов Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 25 мартдаги «Ўзбекистон ўқувчи ёшларини тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида»ги 157-сон қарори билан тасдиқланган «Аспирантлар учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендиялари тўғрисида низом ва уларни тайинлаш тартиби»га асосан қуйидаги 5 устувор илмий-техник йўналиш бўйича ўтказилади:**

1. Республика мустақиллиги ва бозор иқтисодиётига мос ижтимоий-иқтисодий сиёсатни шакллантириш.
2. Агросаноат мажмуи.
3. Энергетика, ресурслар, саноат.
4. Соғлиқни сақлаш ва экология.
5. Ахборотлаштириш технологиялари ва бошқарув.

***Танловда иштирок этиш учун даъвогар аспирантларнинг ҳужжатларини (1 нусхада) марказ талабларига риоя қилган ҳолда тайёрлатиб, 2004 йил 1 октябрдан 30 октябргача Фан ва технологиялар марказига тақдим этишларини сўраймиз.***

**Манзил: Тошкент ш., Амир Темур к., 62-уй. (мўлжал: «Минор» метро бекати).**
**Телефонлар: 137-61-59; 137-61-73; 137-61-51.**


Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги жамоаси агентлик бош директори Абдулла Ариповга волидаи муҳтарамаси
**МУҚАДДАМ аянинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзмевасабзавотузумсаноатлойиҳа» ЁАЖ жамоаси бош энергетик Сраджитдин Сагдуллаевга онаси
**Сабира МАДЖИДОВАнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбексавдо» акциядорлик компанияси раҳбарияти ва жамоаси «Термизгўштсутсавдо» очиқ акциядорлик жамиятининг раиси Тиловмурод Умаровга волидаи муҳтарамаси
**НОРМИҲОЛ аянинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тиббиёт-Санитария бирлашмасига қарашли Марказий хўжалик ҳисобидаги дорихона жамоаси дорихона мудираси Галина Шапошниковага фарзанди
**Александр ШАПОШНИКОВнинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туман ҳудудий тиббиёт бирлашмасининг 32-сон оилавий поликлиникаси жамоаси тиббиёт фахрийси
**Мирпўлат ҳожи МИРСОАТОВнинг**
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.


**«Халқ сўзи»**
**«Народное слово»**

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир**
**Аббосхон**
**УСМОНОВ**

Таҳрир ҳайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
П. ДЮГАЙ,
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
Л. КУЧЕРЕНКО (масъул котиб — «Народное слово»),
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
А. САИДОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
М. САФАРОВ,
И. ЎТБОСАРОВ,
А. ҲАЙДАРОВ,
Ў. ҲОШИМОВ.

**БЎЛИМЛАР:**
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92*
*Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65*
*Маънавият ва маърифат — 136-35-60;*
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар — 133-52-55;*
*Фан, соғлиқни сақлаш, таълим ва туризм — 133-10-17;*
*Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15; 132-12-08*
*Котибият — 133-10-28;*
*Эълонлар — 136-09-25.*

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 968, 22129 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Қоғоз бичими А — 2. Офсет усулида босилган.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва Б. ФАЙЗИЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Қ. Эшматов.
Навбатчи — Х. Эшманов.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
t — тижорат материали.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

*ЎзА якуни — 21.00.*
*Топширилди — 21. 10.*
2 3 4 5 6